

## **Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи (фермер ва дехқон хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 12 555 тани ташкил қилиб, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 12 013 таси ёки 95,7 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 2 559 та (20,4 фоизи), саноат 1 869 та (14,9 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1 707 та (13,6 фоизи) ва қурилиш 1 214 та (9,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>12 555</b>	<b>100,0</b>	<b>12 013</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 707	13,6	1 629	13,6
Саноат	1 869	14,9	1 794	14,9
Қурилиш	1 214	9,7	1 173	9,8
Савдо	2 559	20,4	2 405	20,0
ташиш ва сақлаш	498	4,0	475	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	873	7,0	840	7,0
ахборот ва алоқа	178	1,4	151	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	182	1,4	182	1,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	3 475	27,6	3 364	27,9


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 86,8 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 33,1 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштироқидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 52,9 фоизи бошка корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида

2016 йил

2017 йил



2017 йил январь-июн ойларида жами 1 329 та хўжалик юритувчи субъектлари (фермер ва дехқон хўжаликларсиз) ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 22,9 фоизи), Ш.Рашидов (12,6 фоизи), Зомин (12,5 фоизи) ва Фориш (11,1 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 12,6 фоизи савдо, 20,3 фоизи саноат ва 7,8 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 637 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 9 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 1,4 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йилнинг январь-июнида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

